RESPUBLIKASI
MILLIY KIROH PALATASI
INV №

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2001 йил, 3 июл | 12-13 (246) - сон

КЎППАРТИЯВИЙЛИК ВА ФУҚАРОЛАР

БИЗГА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Сирга тўла ажаб дунёни билишга интилган, илк тафаккур кўзлари очилаётган бола уч ёшидан бошлаб кунига камида 300 та савол берар экан. Кимдан кўп ва хўб жавоб олаверса, яъни дунёки ким ўргатса, бола ҳаммадан кўра шу кишига кўпроқ боғланади, нима савол (ёки зарурат) туғилса дарров «донишманд»и қошига югуриб келаверади. Қолаверса, ҳамма катталар ҳам ҳар дақиқа саволлари қайнаб турган болакайни ўзига «суҳбатдош» тутавермайди. Болакай эса дарахтга ҳам, ўйинчоғига ҳам, у билан бирга ўйнаётган қўзичоққа ҳам суҳбатдошдай муомала қилади, гапиради, ўзи савол бериб, ўзи жавоб беради. Баъзан «ҳамсуҳбат»ларидан давра ясаб, савол-жавоб ўйнайди, турфа мажлислар қуради...

Табиат ва одамлар нарса ва ҳодисаларгача ҳамма-ҳаммаси у билан гаплашиши, сирларини очишини, бу билан аслида шулар орасида ўзининг нима эканлигини билишни истайди. Ҳаммани, ҳамма нарсани ва ўзини ҳам бир-бирига тинимсиз қиёслашдан чарчамайди. Энг муҳими, ундаги мурғак тафаккур мезонлари беихтиёр уларнинг ўзига бўлган таъсирларинида ўлчаб, қабул ёки инкор қилиб боришини кўпинча англаб-англамай қоламиз. Боланинг тасаввурлар олами қаршингизда сиз илғар-илғамас лекин катта жараёнлар ирмоғини ясаб туради.

Бу оламни айтарингиз ила тўлдириб бир-бир яқиндан-яқин бўлмоқ ёки бир-бирдан йироқлашмоқ сиздан. Болалар сўрайдилар, катталар жавоб берадилар. Дунёқарашлар шаклланиши ана шундай савол-жавобдан, воқелик ва бу жавобларнинг муқоясасидан бошланади, куртак отаётган туйғулар ибтидоси шундан. Жавоб бера билиш катталик нишонаси эканлигидан улғайиш орзусидаги болакай жавоб айтишни-да машқини олади, «билағон»ликка йўясиз буни. **Саволлар жавобсиз қолмаслиги керак. Жавобсиз қолган саволлар қанча кўп бўлса,** фарзанд улғайган сари оила ва жамият учун ҳам шунча катта СЎРОҚҚА айлана боради...

Одамзод савол бермоқ, кўрмоқ, кузатмоқ ила ўз аҳлига қўшилар, мулоқот қўшар, эътиқод топар. Савол-жавоб жараёни ҳаёт каби тўхтовсиз ва ҳаёт қадар зарур. Ахир Тангри ҳам яратган бандаларини саволлари, муаммолари кўплигини яхши билгувчидир, Қуръони карим ва пайғамбаримиз ҳадисларида одамзоднинг мангу беражак саволларига битилган мутлақ жавоблар оламу одамни яратганга чорлаб туради. «Биз қизил сув ва кўк сувнинг орасига кўринмас парда қўйдик», жаҳонгашта Кусто бу калом ҳақиқатини умрининг сўнгги йилларида ўз кўзи билан кўрди. – Қизил денгиз ва Тинч океани бир оққан жойида чиндан ҳам қизил ва кўк сув кўзга кўринмас парда қўйилган каби бирга лекин қўшилмасдан оқар эди. Мусулмон бўлди Кусто бу сирнинг Қуръони каримдаги хабарини эшитгач.

Саволларга жавоб бермак тангридан ишора. Жавобсиз қолган саволлар ёки нотугал, нотўғри жавоблар, сўровчи боладир, каттадир – уни мулоқотдан тобора четроқ тортади. Дунёдаги ўзгаришлар, жамиятнинг ҳаёт тарзи, кундалик турмуш ҳамиша, ҳар соат минг бир саволлару минг бир ечимлардан ҳаракат олар. Катта-кичик турли давраларда савол-жавоб ўртадан тушмас.

Кези келганда саволларга жавоб бермоқ ила янги жамиятимиз ҳаётига кириб бораётган сиёсий партиялар, уларнинг фаоллари халқ билан мулоқотга, яқинлашувга, ўзига бўлган хайрихоҳларнинг сони ортишига интилади. Шубҳасиз, ҳар ким берадиган саволини ўзи танлайди, дилида жавоб деб турган сўроқни ўртага қўяди. Шу маънода турли мулоқотларда бизга кўп учраётган саволлардан бирининг жавобида сафдошлар билан мулоҳазалашдик. Гарчи бироз одмироқдир, лекин сўралмиш савол бу: **«Партия ўз аъзоларига нима бера олиши мумкин, унинг якка шахсга манфаати нималарда кўринади?».** Бошқа партиялар вакиллари билан бўлган бир йиғинда улардан бири «партияга нимадир беради деган манфаат билан ёндашиш менимча нотўғри» деб фикр билдирса, яна бири «партия фақат ғоя беради, буни тушуниш учун шахс бўлиш керак, бундай саволлар нисбатан тор қарашлардан туғилади. Ҳозирча бу табиий ҳол» деб муносабатини ифодалади.

(Давоми 2-бетда)

ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОРГА ДАРЗ ЕТМАСИН!

Ўқишни тугаллаб, журналист деган ҳам шарафли ҳам анчагина масъулиятли бўлган соҳада фаолиятимни бошлаганимга эндигина икки йил бўлди. Бу давр халқимиз ибораси билан айтганда денгиздан бир томчи холос. Аммо ана шу икки йиллик вақт мобайнида ҳам анча-мунча паст-баландликлар ва оддий қаламкаш журналист бошидан кечирадиган қувонч ва ташвишларини бироз бўлса-да татиб кўриб, ҳаётда журналистларга ҳам осон эмаслигига ишонч ҳосил қилдик. Чунки болалигимизда бу касбга қизиқувчанлигимиз боисиданми, енгил туюларди. Энди билсак, бежизга «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу-торозу» деб айтишмаган экан.

Яқинда хизмат сафари юзасидан Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигида бўлганимизда, хўжалик раиси Сайдулло Қаршибоевнинг сўзлари андак сергак торттирди. У кишининг айтишича, кунига бўлмаса-да кунора мухбирлар сумка осганча кириб боришар экан.

— Шу йилнинг ўзида икки марта мақтаб телевизорга чиқаришди. Радиога чиқдик. Туман, вилоят, республика газеталари ҳам ёзишди. Негадир туман раҳбарияти ҳам суриштириб ўтирмасдан бизга юборишади. Ишнинг ўрнига мухбирларга интервю бериш билан вақт ўтказаяпмиз, — дейди раис бироз тутоқандай.

Бу сўзларнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини билолмадигу аммо раиснинг юқоридаги сўзлари қаттиқ таъсир қилди. Яхшиям, раис бехабар хўжалик фаолияти билан танишиб чиққандик. Йўқса, идоранинг ўзидан қуруқ далилларни қўлтиқлаганча қайтаверар эканмиз. Аслида матбуотда мақталаётган раис раҳбарлик қилаётган хўжаликда ишчилар ўтган йилги пилланинг пулини ҳалигача олмаган, ичимлик суви тўхтаганига бир ойдан ошган, газ ўчирилган. Хуллас, муаммолар етарли...

Куни-кеча юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами муносабати билан йўллаган табригини ойнаи-жаҳон орқали тинглар эканман, бир жиҳатдан қувонган бўлсам, иккинчи бир томондан юқоридаги воқеалар ёдимга тушиб уялиб ҳам кетдим.

Тўғри, матбуотда фидоийларча меҳнат қилаётган устоз журналистлар ҳам йўқ эмас. Аммо кейинги вақтларда амал-тақал қилиб мухбирлик гувоҳномасини қўлга киритган «чаққон»лар оёғини қўлига олиб идорама-идора югуриб юргани ҳақида «эртак»лар қулоққа тез-тез чалинадиган бўлиб қолди. Матбуотда, радио-телевиденияда танқидий, таҳлилий чиқишларнинг камайиб бораётганининг асосий сабабларидан бири ҳам шу десак хато бўлмайди, назаримда.

Матбуот тарихига назар солсак, ҳеч бир даврда журналистларга ва қалам аҳлига ҳозиргидек эркинлик қонун моддалари билан мустаҳкамлаб берилган эмас. Шундай экан, ўзини журналист деб ҳисоблаган киши учун бугунги энг асосий вазифа билдирилган ишонч ва ҳурмат-эътиборга дарз етказмаслик бўлиб қолиши керак.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ,
журналист

Ўзбек қизи — гулгун юзи...

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалиги Абусаттор Сулаймонов номли бўлим ғаллакорлари 530 гектар ерга «Крошка» навли ғалла уруғини экиб 45 центнердан ҳосил олди. Суратда: Бош муҳандис муовини Ҳакимжон Султонов ва комбайнчи Авазбек Ҳусановлар.

Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

МАСЛАҲАТЛИ ГАП

Сув бошида бой ўтирган бўлса, идишингни тўлдириб бор ё қолдириб.

Партия ҳаёти

БАЙРАМГА ТАРАДДУД

21 июн куни ЎзМТДП Марказий ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз аҳли катта тайёргарликлар билан кутиб олаётган улкан байрам – Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги олдидан амалга ошириладиган партиявий иш – тадбирлар режаси ва бошқа ташкилий ҳамда молиявий масалалар кўриб чиқилди.

Марказий ҳайъат аъзолари эркин тараққиётимизнинг тарихий ўн йилликдаги улуғвор йўли, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, улкан ишларнинг салмоғи, ижтимоий-тарихий моҳияти, шу билан бирга партиямизнинг шу йилларда янги жамиятимизда топган ўрни, мавқеи, зиёли ғоялари мавзуларини ёритувчи ўз фикр-мулоҳаза, таклифларини билдиришди. Республикамизнинг турли ўқув даргоҳларида, ташкилотлар, маҳаллаларда ўтказилаётган байрамолди учрашувларнинг катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлаётгани, шундай жонли мулоқотлар кишиларимизнинг янги жамият ҳаётида фаол қатнашишида, хайрихоҳларни партия ҳаётига жалб килишда муҳим маънавий восита эканлиги таъкидланди. Ҳайъат йиғилишида бошқа ташкилий масалалар юзасидан ҳам таклиф ва мулоҳазалар тингланди.

ЎзМТДП Марказий Кенгашининг котибияти тавсияси билан таниқли сиёсатшунос Муқимжон Қирғизбоев ЎзМТДП Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари этиб сайланди. Шунингдек, М. Қирғизбоев май-июн ойларида бир неча вилоятларда бўлиб, вилоят партия кенгашлари фаолиятини ўрганиб қайтганлиги юзасидан Марказий ҳайъатга ахборот берди.

Марказий ҳайъат йиғилишида партиянинг фаол, жонкуяр аъзоси, пойтахтимиздаги «Жўрабек» хусусий дорихонаси раҳбари Мунира Қориева ЎзМТДП Марказий ҳайъати аъзолигига сайланди.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча маслаларга доир тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қўша қаришга нима етсин!

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида Мамажон бобо Дадабоевлар оиласини катта-ю кичик бирдек ҳурмат қилади. Сабаби, Бобо ва Руқияхон Момо жамоа хўжалигида узоқ йил ўз меҳнатлари ортидан эътибор топган. Ҳозирда улар фарзандлари ва набира-чевараларининг тевараги да мириқиб қарилик гаштини сурмоқда. Бу йил улар оила қурганларининг 60 йиллигини нишонлашади.

Суратда: Мамажон бобо ва Руқияхон момо.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҚАЛБ КИШИСИ

Соз тилини билган созанда инсон қалбини ҳам билади, кишилар кўнглига йўл топа олади, дейдилар. Ўз фаолиятини ана шундай олижаноб касб билан бошлаган, узоқ йиллардан бери Сирдарё вилояти маданий ҳаётида кўплаб хайрли ишларни амалга оширишга бош-қош бўлиб келаётган зиёли инсон, «Миллий тикланиш» партияси Гулистон шаҳар кенгашининг раиси Йўлдош ака Норбўтаев қутлуғ 50 ёшга тўлди.

У бугунги кунда вилоят ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бошлиғи, халқаро болалар эстетик тарбия арбоблари уюшмаси вице-президенти, халқаро мусиқа арбоблари уюшмаси бошқаруви аъзоси сифатида ёрқин фаолият олиб бормоқда.

Қалбга йўл топа билиш ҳам бир санъатдир балки. Гулистон шаҳри партия кенгашида Йўлдош ака раҳбарлигида амалга оширилаётган барча иш-тадбирлар кўпчиликка маъқул бўлиб, партия аъзолари ва хайрихоҳлар сони ортмоқда. Тикланишнинг ғайратли ва фаол кишиси, зиёли сафдошимиз Йўлдош ака Норбўтаевни ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамда «МТ» таҳририяти номидан қутлуғ 50 ёши билан самимий табриклаб, унга узоқ умр, мустаҳкам соғлик, ҳамиша оила саодати ва янада куч-ғайрат тилаймиз!

Бу сонда:

2-бет: **ДЎППИ НИМА ДЕЙДИ?**

4-бет: **«Асабни жиловсиз қўйманг...** Телеэкран тирқишидан... нималар кўринмоқда

«ЭНГ ЯҚИН СЎЗ...» ЯҚИНИДА

ДЎППИ НИМА ДЕЙДИ?

Қўчқор Хоназаровнинг «Энг яқин сўз...» – исм-фамилияларни миллийлаштириш ҳақидаги мақоласи кўпчилик мухлисларимизда қизиқиш уйғотаётганини «МТ»нинг деярли ҳар сонида эълон қилинаётган мактуб-мақолалар ҳам билдириб турибди.

Ушбу саҳифамизда пойтахтимиздаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро муносабатлар факултети 2-босқич талабаларининг бу хусусдаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз. Бугунги кун ёшлари «Энг яқин сўз» ҳақида шундай ёзадилар.

***

Менимча, бу ҳар бир кишининг истагига боғлиқ. У ўз хоҳишича фамилиясини аввалгидек қолдириши ёки бошқа ўзгартириши мумкин, бу ихтиёрийлик «Энг яқин сўз...»да ҳам таъкидланган. Фамилия қўшимчалари ҳам турлича. Масалан, (менимча энг мақбули) ФАМИЛИЯМИЗДАН -ОВ (-ЕВ), -ОВИЧ (-ЕВИЧ), -ОВНА (-ЕВНА) ҚЎШИМЧАЛАРИНИ ОЛИБ ҚЎЙИЛСА ҳам исм-шариф бўлиб қолаверади. Яшаш жойига асосланиб ёки ота-бобоси исмида сулола тарзида ёхуд ҳунари, касб-корига ишора қилиб фамилия танласа ҳам бўлади.

Шавкат УМАРОВ

Ўйлайманки, аслида ўзбеклар учун миллий фамилиялар тизими ишлаб чиқилиши керак. Бунда худди озарбойжонлар «зода»си, арманлар «-ян»и, грузинлардаги «-дзе» ва «-швили» каби ўзбек тилига хос қўшимчалар олиниши лозим.

Мисоллар келтирсам:

Зафаржон Маҳмуджон	**(Маҳмудбек) ёки Маҳмудий**
(исм)	**(фамилия)**

Бутун оила учун бир хил фамилия олинса, фамилияни асосан ўтган аждодлари ёки ҳали ҳаёт ота ёки бобо исмидан олган маъқул. Туғилган жой номи, ўзига ёққан бошқа сўзни олиш, менимча, нотўғри.

Жаҳонгир АШУРОВ

***

Миллийлик, миллий тикланиш нуқтаи назаридан собиқ иттифоқ даврида амалга мажбуран киритилган -ов (-ев), -ович (-евич) каби фамилиямиздаги қўшимчалардан воз кечиш таклифи назаримда яна бир мажбурийликка ўхшаётгандай. Менимча, фамилиямиз русчалашиб қолганининг миллийликка ҳеч қандай даҳли йўқ. Чунки фамилия айни шу даврда вужудга келган десам, муболаға бўлмайди.

Менимча, фамилия давомий бўлиши, яъни авлоддан авлодга ўтиб бориши керак.

Комила АРСЛОНОВА

***

Мен бу фикр-мулоҳазаларга жиддий қарайман. Чунки бу бир қараганда кичик бир муаммо бўлиб кўринади, аслида ундай эмас, акс ҳолда, яъни **арзимаган нарса бўлса, исм-фамилияларимиз русчалаштирилмаган бўларди.** Энди бу муаммо кўпроқ илмий доирада, асосли тарзда муҳокама қилиниши лозим. Яна шуни айтиб ўтмоқчиманки, МЕНГА ҚОЛСА «ЎЗГАРТИРАМИЗМИ-ЙЎҚМИ?» ДЕБ МУҲОКАМА ҚИЛМАСДАН, ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШИМИЗ ҲАҚИДА ФИКРЛАШСАК ЎРИНЛИРОҚ БЎЛАРДИ.

Азамат РАҲМОНОВ

***

Бирор халқ ёки миллат ўзининг хусусиятлари, менталитети билан тирикдир. Собиқ шўро даврида фамилияларимиз ҳам сиқувлардан мустасно қолмади. Тўғри, биз русча фамилияда рус бўлиб қолмаймиз, лекин ўзбеклигимиз – миллат эканлигимиз йўқдай кўринади. Энди фамилияларимиз биз учун сунъий бу қўшимчалардан холи бўлиши керак. Ҳар ким уни ўз хоҳлаган танловига асосланган ҳолда ифодалаши лозим. Қолаверса, фамилия отадан болага, авлоддан авлодга ўзгармасдан ўтиши маъқул. Чунки бу оиланинг ўзига хос бир муҳридир. Иккинчи томондан, бир-бирига қариндош оилаларнинг янада бир ном остида жипслашувига олиб келади.

Шаҳриёр ТУРСУНОВ

***

Ҳар бир шахс, ҳар бир оиланинг фамилияси ўзига хос бўлса дейман. Ҳар бир оила ўзининг битта фамилиясига эга бўлиши керак. Фикримча совет тузумидан қолган «ов» фамилияни олиб бошқачароқ қилиш зарур деб ўйлайман.

Бир оилада баъзан икки-учта фамилиялар бўлади. Назаримда, бу нотўғри, чунки у шахслар бир-бирига бегонадек. Узоқ тарихларга эгамиз. Фалончи фалончиевлар оиласи (ёки сулоласи) деб кўп эшитганмиз, ўқиганмиз.

Сарвар МУҲАММАДЖОНОВ

***

Маънавий ислоҳотлар ўша халқнинг менталитетидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бу маънода халқ ибораси билан айтганда, **дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўрилса, дўппи ҳам айтади «ев», «ов», «ова» эмасман деб!**

Беҳзод ШОДИЕВ

***

Ҳар бир миллатнинг миллат сифатида намоён бўлишида исм-фамилиялар миллий тарзда ифодаланишининг ҳам аҳамияти бор, юртимизнинг барча фуқаролари ҳар бир миллат вакилининг маънавий манфаатини кўзлайдиган бу таклифини қўллаб-қувватлашига ишонаман.

Акбар ЮСУПОВ

БИЗГА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

(Боши 1-бетда)

Фикрлар хилма-хиллиги кўппартиявийлик тизимига хос хусусият. Менинг назаримда аслида бу барча партиялар жавоб бериши зарур бўлган, кўпчиликни қизиқтирган, жавоби кишиларни партияларга жалб қиладиган саволдир. Чунки улар мустақил Ватанимиз тараққиёти учун хизмат қилишга чоғланган партиялар билан ўзлари орасидаги алоқа ва муносабатлар асосини билиш истагидалар.

Аввало бунга сиёсатшунослар, барча сиёсий партияларнинг етакчи фаоллари ҳар томонлама чуқур мушоҳадали, илмий, шу билан бирга ҳаётий фикр-мулоҳазаларни айтсалар айни муддаодир. Қолаверса, ҳар бир партия вакиллари, аъзоларининг бу хусусда тушунчаси, ишонарли сўзи бўлмоғи даркор, деб ўйлайман. Тўғри, булар бир мулоҳаза албатта.

Шу ўринда партиямиз сафлари мудом кенгайиб боришини дилдан истаган бир зиёли сифатида имкон қадар бунга ўз муносабатимни билдирмоқ нияти пайдо бўлди. Тўғри, энг ривожланган демократик мамлакатларда бу маънодаги жавоблар жамият ҳаётида узоқ йиллар давомида мукаммал ифодасини топган. Фуқаролар ўзи аъзо бўлган партиянинг чинакам сиёсий куч эканлигини ҳис қилади, таъбир жоиз бўлса, тирик организм каби партиянинг уриб турган юрагига айланади. Чунки шахс, партия ва мамлакат манфаатлари шундай уйғунлашиб кетганки, шахс ўз истакларини кўпчиликнинг манфаатлари бирлигида партия орқали кенг миқёсда намоён қилади. Жамият ва шахс ҳаёти бир-бирининг узвий тарзида, шахснинг ўз иштирокида ҳал бўла боради.

Соддароқ қилиб айтганда, партиялар фуқароларни ўз манфаатлари (бинобарин мамлакат манфаатлари) нуқтаи назаридан жамиятни бошқаришда иштирок этишга ўргатувчи ва шуни таъминловчи сиёсий куч бўлиб шаклланган. Фуқароларни, айниқса, ёш авлодни шахс сифатида шакллантириш партияларнинг ҳам мақсади, бундан аввало ҳар бир партиянинг ўзи манфаатдор. Чунки уни фаол кучга айлантирувчилар ҳам етук шахслардир. Назаримда, аъзолар манфаатларининг яна бир жиҳати бор. Маълумки, партиялар турли жамоат ташкилотлари, маълум маънода ижро ҳокимияти бўғинлари ишини назорат қилиб боради. Шу нуқтаи назардан баъзи раҳбарлар (ёки органларнинг) ўз ваколатини суиистеъмол қилиши натижасида ёки бошқа сабаблар билан туғилган турли ижтимоий муаммолар, аъзосига нисбатан қўзатилган бирор ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам партиянинг эътиборидан четда қолмаслиги зарур. Кишилар фуқаро сифатида давлатнинг, аъзо сифатида партиянинг ижтимоий муҳофазасида эканлигини ҳис қилса, унга хайрихоҳлиги янада ортади.

Давлат ва партиялар бир-бирига бу жиҳатдан ҳам кўмакдошдир. Жамият тараққиётини белгиловчи бу манфаатлар ана шундай каби шаклланган партия ва унинг аъзоларини, маълум ғоялар атрофида бирлаштиради, улар бир-бирини тақозо қилади. Партия бирор моддий ёрдам беришдан кўра зарур бўлганда ўз аъзосининг иқтисодий шароитини яхшилаш имкониятларини тиклашга (дейлик, иш билан таъминланишига, ўз ташаббуси билан янги корхоналар очилишига) ёрдам беришни кўзда тутиши ҳам унинг мавқеини оширади. Бу ва бу каби мисолларни яна келтириш мумкиндир.

Қувонарлиси, партияларнинг ҳаёт кечириши, фаолият юритишида давлатимиз ўз истиқболини кўриб турибди. Зеро, кишиларимизнинг ҳуқуқий-сиёсий саводхонлигини ошириши, бошқарувда иштирок этувчи етук шахсларни тайёрлаб бериши билан ҳам партиялар мамлакат равнақига, ҳуқуқий-демократик жамият қуришга хизмат қиладилар.

Сўзимизни савол-жавоб тушунчаларидан бошладик, эҳтимол кўпчиликни қизиқтирган тикланиш саволлари бизни шунга ундади. Бугун шу юрт кишилари, эртага юртдошларимиз фарзандлари – миллат болаларининг партиямиз ҳақидаги саволлари биз учун энг қадрли сўзлардир.

Дилором ҚЎЗИЖОН

Афросиёб тепаликларида.

Суратларда: 1. Ўзбекистон фанлар академиясининг Самарқанддаги Археология институти катта илмий ходими Самариддин Мустафақулов илмий ходим Нуриллохон Маҳмудов ва тарих фанлари доктори Муҳаммади Исомиддинов.

2. Лаборант Собир Ражабов ва аспирант Комил Раҳимовлар.

Талаба таклифи

ШУНДАЙ СТИПЕНДИАТЛАР БЎЛСА

Олий ўқув юртларининг энг билимдон талабалари учун буюк алломаларимиз номи билан боғлиқ стипендиялар таъсис этилган.

Узбек деҳқони азалдан ернинг билимдонидир, юртимизнинг жаннат деб аталишида бободеҳқонларимиз қўлининг ҳикмати ҳам бор, албатта. Шу боис аграр мамлакатимиз тарихида қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам дунёга машҳур буюк юртдошларимиз бўлмаганми, деган савол мени кўпдан бери қизиқтириб келарди. Балки уларнинг номида ҳам стипендиялар бериш мақсадга мувофиқдир, бундан аграр соҳага талабаларнинг муҳаббати, иштиёқи янада ортади, деган ўйда эдим.

Яқинда мен таҳсил олаётган ўқув даргоҳимизда ўтказилган бир тадбир ҳамда «МТ» саҳифаларида эълон қилинган мақолалардан бирини ўқиб шу саволга бироз жавоб топгандай бўлдим.

23 июн куни Тошкент Давлат аграр университетида зироатчи олим, биринчи ўзбек агрономи Абдуваҳоб Муродий таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган хотира кечаси талаба ёшлар тасаввурини ранг-баранг таассуротларга тўлдирди. Германиядаги Берлин университетида биринчилардан бўлиб таълим олиб қайтган, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун улуғ ишлар қилишга интилган, катта иқтидор соҳиби Абдуваҳоб Муродийнинг илмга ва юртга садоқати биз ёшлар учун катта сабоқ мактаби экан. Кеча иштирокчилари профессор Наим Каримов, Шералн Турдиевларнинг унинг ҳаёти ва фаолияти, аччиқ қисмати — қатағон қурбони бўлганлиги ҳақидаги сўзларини талабалар дилдан тингладилар.

Бир талаба сифатида ўйладимки, Муродий ва унинг сафдошлари қатағон қилинмаганида ўзбек деҳқончилиги дунёнинг энг ривожланган мамлакатларидаги бугунги қишлоқ хўжалиги даражасидан эҳтимол қолишмасмиди. Ҳатто бизда етиштирилган ва қайта ишланган энг сифатли маҳсулотларни кўплаб миқдорда экспорт қилишнинг имконият ва манбалари кўп бўлар, бу соҳа бизга ҳар томонлама катта-катта даромадлар келтирарди балки.

Зироатчи олим ва қишлоқ хўжалиги техникаси билимдони улуғ ватанпарвар Абдуваҳоб Муродий каби аждодларимизни хотирлаш, илмий фаолиятини ўрганиш ҳар бир мутахассис талаба учун зарур, шу билан бирга бизнинг бурчимиз эканлигини ҳамма бирдай ҳис қилишди.

Истардимки, қишлоқ хўжалиги соҳасига доир барча олий ўқув даргоҳларида шундай улуғ инсонларга эъзоз рамзи сифатида ҳамда талабаларда илмга, ўрганаётган касбига янада садоқатини ошириш учун биринчи ўзбек агрономи Абдуваҳоб Муродий каби олимлар номида ҳам стипендиялар берилса. Бундан буюк аждодларимиз номига муносиб бўлишга интилувчи, қишлоқ хўжалиги соҳасини дунёвий меъёрлар даражасига кўтаришга бел боғлаган талабалар сони ортади деб ўйлайман.

Фароғат МАТКАРИМОВА, ТошДАУ талабаси

Мустақилликнинг 10 йиллиги олдидан

ДЕПУТАТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Депутат ва ижтимоий тараққиёт... Булар бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган ҳодисалар. Мен ўзим ҳам вилоят кенгаши депутатиман. Мамлакат, миллат ҳаётида рўй бераётган барча воқеаларга шу нуқтаи назардан қарайман.

Бугунги кунда юртимизда, жамиятимизда янгиланиш жараёнларида ислоҳотлар самарасини ошириш, замонавий бозор иқтисодиётига ўтиш, одамларни иш билан банд қилиш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини кўтариш йўлида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари олиб бораётган ишлар оз эмас.

Маҳаллий депутатлар айниқса, ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ва чет эл сармоясини жалб қилиш ҳисобига янги-янги қувватларни яратишга алоҳида эътибор билан қараяптилар.

Аввало шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, юртимизда рўй бераётган улкан бунёдкорлик, яратувчилик, мустақиллигимиз шарофати ва Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Эндиликда эътироф этилган «Ўзбекистон йўли», «Ўзбек модели»нинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи исбот этаяпти ва ўтказилаётган иқтисодий сиёсат мевасини бериб, бундан халқ баҳраманд бўляпти.

Биргина Наманган вилоятида бораётган катта ҳажмдаги ўсиш-ўзгаришларга қарасам, бутун Ўзбекистон кўз ўнгимда намоён бўлади.

Истиқлол даврида ва айниқса кейинги тўрт-беш йилда барча соҳаларда ривожланиш барқарор изга тушиб, ишлаб чиқариш ҳажми муттасил ортиб бормоқда, маҳсулотлар сифати тубдан яхшиланмоқда. Наманган белгиси билан тайёрланаётган маҳсулотлар жаҳон бозоридаги кучли рақобатга бардош берибгина қолмай харидоргирлиги билан ҳам мустаҳкам ўрин олмоқда.

Чет эл инвестициялари билан оқилона ишлашда гап кўп. Вилоятимизда 76 та қўшма корхона мавжуд бўлиб, шундан 15 таси йирик, 6 таси ўрта, 55 таси кичик қўшма корхоналардир.

Ушбу қўшма корхоналар дунёнинг 22 дан ортиқ давлатлари билан ҳамкорликда тузилган бўлиб, Россия билан 19 та, Туркия билан 18 та, Америка Қўшма Штатлари билан 5 та, Буюк Британия билан 4 та, Швейцария билан 3 та, Канада, Хитой, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон, Испания, Голландия, Россия — Америка билан 2 тадан, Исроил, Япония, Нидерландия, Чехия, Германия, Россия — Германия, Россия — Буюк Британия — Саудия Арабистони, Сянган (Гонконг), Франция, Полша, Покистон, Грузия билан биттадан тузилгандир.

Кейинги яқин пайт ичида вилоятда яна 3 та янги қўшма корхона рўйхатдан ўтди. Булар:

Косонсой туманида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида «Косонсой — Текстил» қўшма корхонаси;

Чортоқ туманида дори-дармон ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигидаги «Кем-Тош» қўшма корхонаси;

Давлатобод туманида йилига 120 млн. дона бир маротаба ишлатиладиган шприц ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигидаги «Шифо» қўшма корхонаси.

Вилоятнинг барча туманларида қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилнинг ўтган ойларига назар ташлайлик: қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 790 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилга нисбатан 1,9 марта кўп. Бугунги кунда қўшма корхоналарда 4500 тага яқин киши меҳнат қилмоқда. Янги-янги иш жойлари яратишнинг аҳамияти шунда.

Қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми салмоғи вилоятдаги жами саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 18,2 фоизини ташкил этди.

Яқин йиллар ичида шулар билан бирга 276 та фермер, 243 та деҳқон хўжалиги, 406 та микрофирма, 119 та кичик корхона ҳамда 20 та ўрта корхоналар ишга тушди. Бу янги ташкил қилинган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобига 4809 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш бўйича 2001 йилда «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши ҳунарманд», анъанавий «Ташаббус-2001» танловларининг якуний босқичлари бўлиб ўтди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 октябрдаги «Қўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоят ҳокимининг 224-сонли қарори билан 24 та лойиҳа устида иш олиб бориляпти.

Жумладан, Тўрақўрғон туманидаги Ўзбекистон — Покистон «Шаханд-Текстайл» қўшма корхонасида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиб, маҳсулотнинг бир қисмини экспортга чиқариш мўлжалланмоқда.

Ушбу корхоналарда импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Поп туманидаги Ўзбекистон — Британия «Наманганшина» қўшма корхонаси йилига 120 минг дона енгил автомобил шиналари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу билан ички бозор эҳтиёжини қондириш имконияти яратилади.

Наманган туманида Хитой Халқ Республикаси билан «Чан На Текс» қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхонага йилига 1400 тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга дастгоҳлар келтирилиб, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда.

Айни пайтда пахта толасини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган Ўзбекистон — Германия «Намсамтекс» қўшма корхонасини ташкил этиш ва Туркиянинг «ТИМИ» фирмаси билан ҳамкорликда «ДЕМО-2000» лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди.

Мана шулар каби ўзгаришларда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўз ўрни, фаол ҳиссаси бор.

Депутатлар сайловолди дастурларига киритган ўз сайлов округларидаги иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш устида ишламоқдалар, янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар. Чунончи, Олий Мажлис депутати Т. Жабборов ўз сайловолди дастурига киритган масалалардан бири — Наманган шаҳри ва Тўрақўрғон тумани маркази ўртасида троллейбус қатнови йўлга қўйилди, тўрақўрғонликларнинг орзуси амалга ошди, аҳолига катта қулайлик яратилди.

Уйчи туманидаги «Лола-Узор» кўп тармоқли хусусий фирмаси директори, депутат Ҳабибулло Мирзааҳмедовнинг саъй-ҳаракати билан туманда янги болалар боғчаси, супер-маркет, «Сарбон» автокемпинги қуриб ишга туширилди. Туманнинг 100 дан ортиқ фуқароси янги иш жойлари билан таъминланди.

Бундай мисолларни Олий Мажлис депутати, «Наманганқурилиш» трести бошқарувчиси Шокиржон Матмусаев, вилоят газлаштириш бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Тожибоевлар фаолиятидан ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

Депутатларимиз ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий хомашёдан экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фаол иштирок этмоқдалар. Улар қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, чет эл инвестицияларини жалб этиш орқали янги иш ўринларини очишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Чуст туманидаги «Мармар-ф» корхонасига 675,0 минг АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этилиб, Италия технологияси асосида мармарни қайта ишловчи асбоб-ускуналар ўрнатилиши туфайли ҳозирда мармар ҳамда маҳаллий хом ашё — травертиндан қурилишбоп пардозлаш маҳсулотлари чиқариш йўлга қўйилди.

Вилоят ҳудудлари ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда депутатларимиз фаолиятини таҳлил қилиб кўрсак, аён бўладики, қайси депутат ўз сайлов округи ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик вакиллари билан бамаслаҳат фаолият кўрсатса, ўша ерда ютуқ, ўша ерда муваффақият бўлмоқда.

Бугунги кунда барчамиз бир ҳақиқатни англаб олдик. Ишимизни, иш услубларимизни тубдан ўзгартириш, меҳнатга муносабатимизни ўзгартириш, меҳнатимиз самарасини ошириш ва шулар ҳисобига ҳаётимизни яхшилаш кўп жиҳатдан раҳбарнинг, ҳар бир фаолнинг, шу жумладан депутатнинг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, талабчанлигига боғлиқ.

Қайси тармоқ, ёки йўналишда бўлмасин, бирор муаммо пайдо бўлдими, унинг албатта ечимини топмоқ зарур. Бунга Кенгашлар қошидаги доимий комиссияларнинг ҳам ўрни сезилиши лозим.

Албатта, талаб катта. Депутат қонунларнинг бажарилишида ўз ваколати доирасида округидаги фаолиятини янада жонлантириши, одамлар билан алоқаларини янада мустаҳкамлаши даркор.

Ишонтириб айтаманки, вилоят Кенгаши депутати сифатида мен ҳам, бошқа аксарият депутатларимиз ҳам бунга қодирлар.

Барчамизнинг мақсадимиз — юрт равнақи, эл фаровонлиги. Бу йўлда астойдил шу юртга, шу заминга, сизу бизни қаллаган халқимизга хизмат қиламиз.

Одилжон БАҲОДИРОВ,
Наманган вилоят Кенгаши депутати, вилоят иқтисодстат бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Хотира ўчмасдир, хотира мангу!

ЯШАСИН, СУРАТ!

«МТ» муҳаррири архивидан чиқиб қолган ушбу суратни кўтариб Сафар Барнони қидириб борган эди. Суратни кўргач, ҳаяжонли оҳ-воҳлардан сўнг Сафар унга шарҳ ёзиб берадиган бўлди. Орадан кўп ўтмай ушбу изоҳни ёзиб «МТ»га еткизди. Мақола дунё юзини кўриб улгурмай, вафосиз умр экан, ажойиб дўстимизнинг бу дунёдаги сафари қариди. Донишманд оталаримиз «ўзи борди эса сўзи қолди кўр» деганларидай адиб ва журналистдан ўқувчиларга сўз мерос бўлиб қолди.

Бу, эҳтимол, Сафар Барнонинг охирги ёзган сўзидир.

Дунёда хотира кучи (ҳукм эмас) деган гап бор. Биров умр бўйи кўрганларини эртак қилиб айтиб беради. Яна биров уёғи нимайди деб, калаванинг учини йўқотиб қўяди. Муҳими, яна бир қизиқ ҳол бор. Одам борки, фақат болалигию, ёшлигини эслаб, хотирлаб яшайди. Кексалигини сира-сира ёдга олмайди.

Қарилигингизни, қандай бўлганлигингизни сиздан кейин қолган ёшлар айтиб юради. Баҳойингизни беради. Ўрнингизни жойига қўяди.

Суратдан сизга тикилиб турган бу азизларни таништиришдан олдин, юрагимдагини тўкиб солай.

Адабиёт деган муқаддас даргоҳ бор. Бу даргоҳга талпинувчи ҳамиша кўп бўлган. Ҳазрат Алишер Навоий давридан тортиб то бугунгача камайган эмас. Аммо бу даргоҳда қолувчилар кам бўлган. Атрофида юрувчилар эса мўлу кўл. Аҳлашиб кетавермай, асл мақсадга ўтай.

Бу сурат салкам қирқ ёшда. Девордаги ёзувларни синчиклаб ўқисангиз, қайси бино олдида туширилганини дарҳол сезасиз. Тўп бўлиб расмга тушганлар эса устозу шогирд қаламкашлар. (Олий ўқув юртини битирувчилар эмас). Тўхтанг, бу гапдаям жон бор. Суратдагилар ёш ёзувчилар анжуманининг қатнашчилари. Аниқроғи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ўзига хос тарихи бор. Тарихи шундаки, эллигинчи йилдан бошлаб, ҳар йили ёш ёзувчилар анжумани ўтказилиб келади. Олдингилари Дўрмонда ўтган бўлса, кейинги йилларда Жиззахнинг Зоминида ўтмоқда. Устозу шогирдлик мактаби давом этмоқда.

Энди қирқ йил ортга қайтамиз. Суратдагилар сони ўттиздан ортиқ. Демак, анжуман қатнашчиларининг бир бўлаги. Ўртада тўртта шоира қизларимиз. Қўлида ўралган қоғоз ушлаб тургани, ардоқли, бетакрор шоирамиз Ойдин Ҳожиева. Суратига разм солган одам, Ойдинхон, йиллар ўтиб, адабиёт даргоҳида ўз гулзорига эга бўлади. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон хотин-қизларининг «Саодат»дай мўътабар журналига бош муҳаррирлик қилиб, машҳур Зулфия опамиз изини давом эттиради, деб ўйламайди. Қолган уч қизимизнинг исму шарифини тополмадим. Адабиётга фидойиликлари қошу кўзларидан кўриниб турибди.

Таништиришда давом этаман: иккинчи қатордаги – Тошмамат Рўзибоев, шоир, сайёҳ эди. У кишининг ёнидаги қора соч, қора костюмли чақнаб турган акамиз шоир Тошпўлат Ҳамид. Тошпўлат аканинг суратдаги ёши ўттиз тўрт-ўттиз учда. Анжуман меҳмонларидан бири. Бугунги китобхон (газетхон) Тошпўлат Ҳамид ҳақида унча-мунча маълумотга эга эмас. Шунинг учун Тошпўлат акадан бошлаб бундан кейинги устозлар, акалар ҳақида сўз юритиб, изоҳларга, таъкидларга бирмунча ўрин бераман.

Адабий жамоатчилик орасида Миртемир мактаби, Қуддус Муҳаммадий, Ғайратий тўғараги деган тушунча бор. Тошпўлат Ҳамиднинг ҳам Бухорода ўз адабий тўғараги мавжуд эди. Унда бугун таниқли қатор қаламкашлар тарбия кўрганлар.

Тошпўлат ака хушчақчақ, ҳазилкаш, тўпориоқ акамиз эди. Бухорога марказдан қайси адиб бормасин, ўзи пешкаш бўлар, ўзи билан бизларни етаклаб юрарди. Тошкентга келган куниёқ бошимизни қовуштирарди. Албатта суҳбатимиз ижод ҳақида кетарди. Муваффақиятларимиздан қувонарди. Тушкунликка тушсак, далда берарди.

Бир куни Тошпўлат ака Омон Мухтор билан мени бир пиёла чойга таклиф қилди. «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг ресторанида бир бурчакда «эзилишиб» ўтирибмиз. Сўз ёзувчи, шоирлар орасидаги муносабатларга тақалди.

Шунда мен кўнглимдагини айтдим.

– Тошпўлат ака, биздан хавотир олманг. Сизнинг шогирдларингиз – бизлар турли жанрларда ижод қиламиз. Мана Неъмат Аминов ҳажвчи. Максим Карим драматург. Омон Мухтор шоир ва носир. Ойдин Ҳожиева, Гулчеҳра Жўраева шоиралар орасида ўз ўрнига эга.

Тошпўлат ака яйраб кетди. Умр бўйи Бухоро адабий муҳитини тиклаш учун бор имкониятини сарф қилди. Ўзиям ҳеч кимга ғашлик қилмай бу оламдан ўтди...

Тошпўлат ака ёнида сўз заргари, жафокаш, заҳматкаш шоир, барчамизнинг беназир устозимиз улуғ Миртемир домла бўладилар. Домла деган сўз шарафлаш учун аввало шу уч кишига нисбатан кўпроқ қўлланарди: Ойбек домла, Шайх домла – Мақсуд Шайхзода, Миртемир домла.

Аслида миллатимиз домуллолари оз эмас эди.

Миртемир домла том маънодаги ёшлар меҳрибони эди. Шогирдлари бисёр эди. Мана айримлари: Барот Бойқобилов, Тўра Сулаймон, Тўлан Низом, Олимжон Холдор. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳам у кишининг меҳригиёсидан баҳраманд бўлган. Бу меҳрни домланинг ёш ёзувчиларга бағишланган «Киприкларим» шеърини ўқисангиз, яна яққолроқ ҳис қиласиз...

Миртемир домланинг чап томонида кулиб турган акамиз, сўзни сандонда пишитиб, бураб-бураб шеъру достонлар ёзган, юзлаб қўшиқлар битган устозимиз Туроб Тўладир. Туроб ака катта шоир эдилар. Яна бир улкан хизматлари, Миртемир домла билан икковлари қўшиқчилигимизни турли бегона алафлардан ҳимоя қилардилар. Туроб ака назаридан ўтмаган қўшиқ ижро этилмасди. Яхши қўшиқларни қаттиқ ҳимоя қилар, хашаки, бетаъсир қўшиқларга йўл бермас эди.

Ана шу қатордаги барваста киши – устозимиз, адиб – Тўхтасин Жалолов. Пўлатдек кескир, ўта тўғрисўз Тўхтасин Жалолов ўзбек шоираларини қайта тирилтирган, Робиндранат Тагор асарларини ўзбекчалаштирган санъаткор эди. Яна бир хислагача адабиёт меҳри, ёшларга яхши ахлоқни сингдириш нияти билан яшади.

Нуриддин аканинг ёнидаги, сал қийшайиб расмга тушган киши – бухоролик журналист, шоир Мурод Халил. Мурод ака қатор китоблар муаллифи. Жуда содда одам эди. Бугун мангу уйқуда.

Тўхтасин Жалолов билан Раҳим Бекниёз елкалари оша кулиб турган дўстимиз душанбелик ўзбек шоири Ўлмас Жамол. Икки тилда баробар ижод қилади. Оши кобулиниям, фарғонача паловниям тўйларда қотириб пиширади. Ҳозирдаям бир қўлида қалам, бир қўлида капгир...

Ўлмас Жамолнинг сочига қулоғи тегай-тегай деб турган биродаримиз, ажойиб шоир, ёзувчи Эркин Самандар бўлади.

Адабиёт меҳри билан бир умр яшаётганлар кўп. Суратга тушганлар орасидаям улардан анчагинаси сўнгги сафда турган (ўнг юзи кўринаяпти) дилбар шоир ака – Хайриддин Салоҳ. Хайриддин ака эллигинчи йилларнинг охирларида гуриллаб чиққан шоир эди. «Чашма», «Наъматак» шеърий китоблари билан тилга тушганди.

Энди «Яшасин, сурат» деганимга изоҳ. Тўхтасин домла қизлар шеърияти, айниқса Зулфия опа ижодига бағишланган бир тўпламига «Яшасин, табассум» деб ном берган. Ана шунга тақлид қилиб; ушбу мақолага «Яшасин, сурат» деб сарлавҳа қўйдим. Сурат яшар экан, хотира яшайди. Яхшилар унутилмайди.

Қаранг, шунча гапни айтиб, ўзимнинг бу суратга қанақа алоқам борлигини айтмабман. Ўзим ҳам бу даврада борман. Иккинчи қаторнинг ўнгидан биринчи бўлиб қуюқ қора сочли биродаримнинг орқасидан мўлтираб тургани – бу менман.

ГЕРМАНИЯ ДАЛАСИДА КЕЧГАН ОРЗУЛАР

Ўзбек ватанпарвар зиёлиси Абдуваҳоб Муродийни «Оврупода билмаган киши йўқ» эди

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Сўнгра бошқа Европа давлатларига қараганда энг яқини ҳам шудир. Шўролар ҳукуматининг Германия билан яхши алоқада бўлиши ва Германия билан шўролар Россияси орасидаги муносабатлар яна бизни Германияга тортар».

Тошкентдаги маорифмаданиятнинг бир гуруҳ ходимлари ташаббуси билан талаба Абдуваҳоб Муродийга кўмак уюштирилади, бунда, айниқса, миллий истиқлолимизнинг фидойилари бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Саидносир Миржалилов, Шокиржон Раҳимий ва бошқалар Германияда ўқиётган биринчи ўзбек йигити, ватанпарвар Муродийга шахсий пулларидан ёрдам кўрсатадилар. Бундан ташқари мазкур ташаббускор гуруҳ бир адабий кеча уюштириб, ундан тушган 75 минг сўм пулни ҳам унга юборадилар. Абдуваҳоб Муродий у ерларда фақат ўқиш ва иш билангина чекланиб қолмай, маданий-маърифий ҳаётда ҳам фаол қатнашади.

1925 йил охирида Берлинда нишонланган Ўзбекистон кунларида қатнашган Муҳиддин қори Ёқубов ва Ўзбекистон Маориф вакилларидан Мажид Қодирийлар билан мулоқотда бўлади ва республика тузилганининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилган кечада унинг бошчилигида талабаларимиз Ғулом Зафарийнинг «Эрк болалари» асарини юртдошларимиз ва хорижий талабаларга тақдим қиладилар. Шу кечада Абдуваҳоб Муродий ўзининг Берлиндаги пахтачилик соҳасидаги ўқишлари ва илмий изланишлари ҳамда тажрибалари борасида маъруза ҳам қилади. Бу маъруза матнлари аввалроқ Тошкентдаги «Қизил Ўзбекистон» газетасининг бир неча сонларида ҳам босилади.

Абдуваҳоб Муродий ватани Ўзбекистонга қайтиб Шредер номидаги боғдорчилик илмий-текшириш институтида директор муовини ва шунингдек, Ўрта Осиё Давлат университети қишлоқ хўжалиги факультетида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Республика қишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачилик, мевачилик ва чорвачилик соҳалари бўйича амалий ва илмий ишларни йўлга қўйиш, бу соҳаларда маҳаллий кадрлар тайёрлаш ишларига фаол киришиб кетади, ва шу билан бирга мазкур дорилфунуннинг қишлоқ хўжалиги факультетида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатади.

Абдуваҳоб Муродий ҳақида маориф фахрийси Рукнутдин ота Муҳамедов шундай хотирлаган эди:

1927–1928 йилларда Германиядан ўқишни битириб келгач, унинг тоғалари Баланд масжиддан ҳовли ҳам олиб беришди, унинг немис хотини, бир боласи бор эди». Ҳатто Маъмурани немисчага ўргансин деб улар тарбиясига ҳам берган эдилар. Хотини ҳам ўзбекчани ўрганиб, эрининг қариндошлари билан ўзбекча муомалада бўларди. Баъзан бизга ва биз билан бир қадар яқинлиги бўлган ўша даврнинг илғор маърифатпарварларидан бири бўлган Мунаввар қори Абдурашидхоновга учраб, иш жойларида негадир унга нисбатан аллақандай тўсиқ-таъқиблар, шубҳа ва ҳужумлар кучаётганлигини айтганларини шу кунгидай эслайман. Шундан кейин кўп ўтмай Абдуваҳоб Муродийнинг қамалганлигини, унинг немис хотини эрини қамоқдан қутқариш имкониятини тополмай боласи билан Германияга кетиб қолганлигини эшитдик. Лекин ҳанузгача Абдуваҳоб Муродийнинг қандай айб билан қамалганлиги ва қачон ҳам қаерда вафот этганлиги, унинг оила аъзоларининг сўнгги тақдирлари нима бўлганлигини билмаймиз».

Бу каби хотиралардан гарчи Абдуваҳоб Муродийнинг ҳаёти, фаолияти ҳақида бироз тасаввурга эга бўлсак-да, улар ҳали илмий-тарихий фактлар, манбалар асосида аниқланмаган эди. Шу боис мустамлака даври қурбонлари бўлган ўзбек зиёлилари айбловларига доир ўша давр тергов материаллари ичида Абдуваҳоб Муродий шахсига оид ҳужжатларни изладик. Абдуваҳоб Муродийнинг махсус айблов-тергов материаллари бўлмаса-да, лекин советларга қарши руҳдаги миллий истиқлолчилик ғояларини тарғиб қилишда айбланган бир гуруҳ зиёлилар, жумладан, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Салимхон Тиллахонов ва бошқаларнинг айбловлари юзасидан олиб борилган тергов материаллари (улар жами 19 жилд бўлиб, архивда сақланмоқда) ичида, шу вақтларда улар билан олдинма-кейин ҳибсга олинган (улар жами 85 кишидан иборат) кишилар билан бирга Абдуваҳоб Муродийнинг ҳам айблов ва тергов материаллари сақланаётганлиги маълум бўлди. Уларни варақлар эканмиз, кўплаб миллий истиқлолимиз фидойилари ва бошқа шахсларнинг Абдуваҳоб Муродий билан турли даврлардаги муносабатлари, алоқалари, шунингдек, Муродийнинг таржимаи ҳоли, Германияга ўқишга кетган вақти, сабаблари, бу йўлда ватандошларидан олган ёрдамлари, собиқ СССРдаги носоғлом сиёсат, хориждаги ижтимоий-сиёсий муҳит ва уларга нисбатан ўзининг муносабатлари, унинг Ўзбекистон билан алоқаси, юртига меҳр-муҳаббати, кейинчалик унга нисбатан ҳақсиз шубҳалар ва аҳволи-руҳияти ҳақида ҳам жуда муҳим фактик материаллар, фикр ва мулоҳазаларга дуч кела бошладик. Булар Абдуваҳоб Муродийнинг терговчиларнинг турли саволларига ўз қўли билан араб шрифтида ўзбек тилида ёзган батафсил қўлёзма жавоблари ва уларнинг рус тилига таржималаридан иборатдир. Мазкур жавобларга қараганда Абдуваҳоб Муродий 1901 йил 29 майда Тошкентда Эски шаҳар, 1-Эгарчи маҳалласида туғилган, миллати ўзбек, Берлин олий зироат академиясини битирган. Умр йўлдошининг исми Марта бўлиб, 24 ёшда, медицина ҳамшираси бўлган. Онаси Хайринисо 55 ёшда, қизи Марям 2 ёшда, укаси Абдуқодир 22 ёшда (ишчи), синглиси 13 ёшда (ўқувчи). Ўзи инқилобгача дастлаб мактабда ўқиб, 1917–1919 йиллари муаллимлик қилган. 1919–1920 йилларда Афғонистонда, 1921–1926 йиллар Берлинда, 1926 йил Мисрда (амалиётда) бўлган, 1927 йилдан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги станциясида ишлаган. 1930 йил 25 апрелида қамоққа олинган. Қамалгунга қадар Тошкент район Аччи овули, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги станциясида яшаган. Анкета у ҳибсга олинган 1930 йил 25 апрел куни тўлдирилиб, унга «А. Мурод» деб имзо чекилган.

Абдуваҳоб Муродий 1930 йил 2 июлдаги тергов саволларига берган жавобида ўзининг ҳаёти ва фаолияти, Германияга қандай маблағлар ҳисобига ўқишга кетганлиги, бунинг сабаблари ва бу йўлда унга ёрдам қилган кишилар ҳақида тўхталган.

1930 йил 15 сентябрда бўлган тергов кўргазмасида Абдуваҳоб Муродий Европада ўқиган туркистонлик талабаларнинг олдида турган асосий амалий ва назарий вазифалар ҳақида тўхтайди. Бу соҳада ўзи ва бошқа талабаларнинг Германия саноати ва қишлоқ хўжалиги ўқув юртларидаги илмий тажрибаларни ўрганиш асосида Ўрта Осиё жумҳуриятлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган малакали маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги кадрлари тайёрлаш ва мазкур соҳалар бўйича миллий атамалар (терминлар) луғатини тайёрлаш бўйича қилган ишлари тўғрисида тўхтаб: «Европада таълим олган ҳар бир мутахассис олдида иккита вазифа турарди. Биринчидан, у бевосита ишлаб чиқаришда ишлаши ва ўз амалий билимларини такомиллаштиришлари керак эди. Иккинчидан, албатта, бирорта ўрта техника ўқув юртида дарс бериши ва шу йўл билан ўз раҳбарликларида келгусида ўзларининг ёрдамчилари бўладиган техник кадрлар тайёрлашлари зарур эди. Демак, Европада ўқиётган талабалар, ўз мутахассисликларидан келиб чиқиб, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжаликлари учун миллий руҳдаги техник кадрлар тайёрлаш вазифасини олган эдилар. Шунинг учун ҳам улар фақат ўқув юртидаги дарслар билангина чекланиб қолмай, ўзларининг касбларига алоқадор бўлган немис махсус мактабларини ҳам ўргандилар. Шу мақсадда экскурсиялар уюштирдилар. Масалан, мен Германиядаги кўплаб қишлоқ хўжалик ўқув юртларига қатнаб, бой материаллар тўпладим. Талабалар янгидан туғилаётган ўзбек саноати ва саноат ўқув юртлари учун миллий атамаларни ишлаб чиқаришга бўлган ҳаддан ташқари катта эҳтиёжларни ҳисобга олиб маълум даражада тил ўрганиш билан шуғулландилар. Ҳар бир мутахассисга ўз соҳаси бўйича миллий атамаларни ишлаб чиқиш топширилган, бунинг учун ҳатто «Техник атамалар ташкилоти» номли кичик бир уюшма ҳам тузилган эди. Бу ғояларни амалга оширилганлигини кўрсатиш мақсадида мен иш вақтида ҳатто тракторнинг энг майда қисмларигача бўлган ўзбекча номларини ишлаб чиққан эдим. Мазкур кичик иш ҳамма ўртоқларни (айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасидагиларни) қаноатлантирди. Европадаги талабалар ўзларининг ўзбек маҳаллий саноатининг асосий кадрлари ҳисоблашар ва шунинг учун ҳам унда жиддий ва пухта иш олиб борардилар (А. Муродийнинг 1930 йил 15 сентябрда ёзиб берган кўргазмасидан).

Архив ҳужжатларида Муродий Германиядаги айрим немис ёшларининг тор миллатчилик қарашлари ва у ердаги матбуот ҳам муҳожират зиёлилари асарларининг сонлари: яхши асар, яхши шеър ўқиса, яйраб кетар, яйраш ҳам гапми, тарғибот, ташвиқот бошлаб юборарди.

Эллигинчи-олтмишинчи йилларда йўрмали украинча кўйлак кийиш одат тусига кирганди. Хоразмлик шоир, ёзувчи Раҳим Бекниёз кўпинча шундай кўйлак кийиб юрарди. Раҳим оға самимий, содда инсон эди. Раҳим оға умрини овчиликка, ов ҳақида асарлар ёзишга бағишлаб ўтди.

Украинча кўйлак кийган яна бир акамиз (учинчи қатор, чапдан иккинчи) наманганлик шоир, олим Нуриддин Бобохўжаев, Нуриддин ака шеър ёзар, илм билан шуғулланар, ёшларга таълим берар, одоб-икромли киши эди. Шу билан бирга, Тошкентдан борган ҳар бир ижодкорга бағрини очиб, меҳр-муҳаббат билан қарши оларди. То сўнгги дамбор. Лекин айримларининг исми-шарифларини, афсус, унутганман.

Эшикдан бошини чиқариб турган, дўппили яна бир акамиз, самарқандлик шоир Ғуломжон Исмоилов.

Суратда устозу шогирдлар қаторида энг Адабиётнинг даргоҳи кенг. Бу даргоҳга гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишади. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб хотирасуратга тушишади...

Сурат, сурат, нега сен тилсиз, деб армон қилишади...

Сафар БАРНОЕВ

«МТ» таҳририятидан:

Биринчи қаторда (чапдан): журналист Анвар Бўрибоев, хоразмлик шоир, журналист Фозил Зоҳид, Ойдин Ҳожиева, андижонлик шоира, ўқитувчи Саодат Мирзаева, олима педагог Фарида Усмонова, Олима Чарос Ғаниева...

Иккинчи қаторда (чапдан): Тошмамат Рўзибоев, Т. Ҳамид, Миртемир, Т. Тўла, Т. Жалолов, Р. Бекниёз, С. Барноев.

Учинчи қаторда (чапдан): шоир Низомжон Парда, Н. Бобохўжаев, М. Халил, Ў. Жамол...

Тўртинчи қаторда (чапдан): учинчи Эркиёр (Мама Сиддиқ Исмоилов) Э. Самандаров.

Охирги қаторда (чапдан): Ҳ. Салоҳ, К. Ҳамро, Райим Фарҳодий, Ғуломжон Исмоилий... ва бошқалар. Суратда номлари келтирилмаганлар ҳақида «МТ» мухлислари таҳририятга ёзиб юборарлар деб умид қиламиз.

Сурат 60-йилнинг бошларида ўша пайтдаги 1-Май кўчасида жойлашган Ёзувчилар уюшмаси биноси олдида олинган.

Халқ табобати

АСАБНИ ЖИЛОВСИЗ ҚЎЙМАНГ

Абдулазиз Саиднуриддин бобо ўгитлари

Асаб марказий мия – фикрлаш аъзоси билан боғлиқ бўлганлиги боисидан, унинг шикастланиши кишига ҳар томонлама салбий таъсир қилади.

Асаб касаллиги гарчи қадимдан маълум бўлса-да, у жуда кам учраган, алоҳида касаллик ҳисобланмаган. Бу борада гап кетганда кўпинча жаҳл чиқиши тушунилган.

Ҳозирги кунда ҳаёт серқирра ва мураккаб. Масалалар нақадар кўплиги, муаммоларнинг бирин-кетин пайдо бўлиши, жисмоний иш камайиб ақлий ва техникавий ишларнинг кўпайиши, шунингдек, экинларни ёппасига химикатлаштириш, атроф-муҳит, экологиянинг инсон учун зарарли жиҳатлари ортиши каби кўплаб сабабларга кўра, асабийлашиш дунё аҳолисининг сезиларли қисмида учраб турадиган бир ҳолга айланди.

Тўғри, асабийлашишнинг пайдо бўлиши ва уни кучайишига ҳаётда бир-бирини нотўғри тушуниш, баъзи иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлиши мумкин (баъзан бирор ёмон туш ҳам кишини асабийлаштиради). Бундан ташқари, чекиш, ичкиликка берилиш ҳоллари уни келтириб чиқаради.

Асабийлашиш қандай пайдо бўлишидан қатъий назар, у албатта, кишилар, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғ, туғишганлар орасида аҳиллик камайишига, меҳр-мурувват ва оқибат сусайишига олиб келади.

Асабийлашмасликнинг иложи, дори-дармонлари борми? Албатта бор. Энг муҳими, ҳар ким ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам инсон эканини унутмаслиги керак. Ўзини асабийлашишдан сақлаш учун ўзини ўзи идора қилиш, бошқаришни билиш лозим. Гапираётганда ўз нутқи, оҳанги, талаффузига, жумланинг тузилишига, мантиққа жиддийроқ эътибор бериш керак. Гапирганда гавдани қандай тутиш, қўл, бош билан турли ишораларни гапига мослаштириш, ҳатто кўзни кулимсиратиб қараш ҳам катта аҳамиятга эга.

Инсон фақат ташқи қиёфасинигина идора қилмай, ички аъзоларини ҳам бошқара билса, у асабийлашмайди. Асабийлашмаслик асосида тўғри хулқ-атвор, одоб ҳаммага баббаробар таллуқлидир. Воқеликка бўладиган жавобни аввал фикрлаш лозим. Ҳар ким бировга айтмаса ҳам ўзининг ҳамма камчиликларини, одатларини доимо эсда тутиб, соғлиги, билими, ҳаёт тажрибасини ҳисобга олган ҳолда иш тутса, сўзлашса, асабийлашмайди.

Улуғ алломаларимиздан Абу Бакр ар-Розийнинг фикрича, ғазабланган одам кўпроқ ўзи зарар кўради. Унинг фикрича, ғазабланган одам тўртта нарсани эсидан чиқармаслиги керак: кибру ҳаводан сақланиш, ўзини юқори қўймаслик, камтарлик, ҳамсуҳбатини ёмон кўрмаслик.

Асабийлашиш тананинг соғломлигига алоқадордир. Соғлиги яхши одам асабийлашмайди. Тана соғлиги одамнинг руҳиятини доимо кўтариб туради. Руҳият ва тана соғломлигида тўғри овқатланиш ҳам аҳамият касб қилади.

Асабийлашишнинг киши соғлигидан ташқари иқлим шароитига, ой кунлари, мавсумга, юлдузлар ҳаракатига ва ҳар бир одамнинг мучали билан боғлиқ жиҳатлари бор. Бироқ, ҳар қандай шароитда инсон хоҳласа, ҳамма нарсага қодир. Асабийлашишнинг олдини олиш, пайдо бўлганда уни тез ва осон енгиш ҳар биримизнинг қўлимизда.

Асабийлашиш инсон соғлигига жуда зарар етказади ва баъзан, кутилмаганда эрта вафот қилишига сабабчи бўлади. Асаб касалликлари орқасида жуда тез фурсатда турли касалликларга чалиниш мумкин. Ошқозон- меъда фаолияти бузилади, баданга турли тошмалар тошади ёки юрак ҳаракати бирдан ўзгариб, инсулт баъзан ундан ҳам оғирроқ инфаркт бўлишига олиб келади.

Асабдан соч тез оқаради ёки тил тутилади, дудуқланади. Баъзан тиззалар ишламай ёки кўз кўрмай қолади, ё нафас олиш йўли бузилади ва ҳоказо. Асабийлашганда қандай касалликка чалиниш, кишининг мижозига, ёшига, қуввати, соғлигига ва жинсига боғлиқ. Асабийлашиш кўпроқ эркакларга хос (айниқса 50 ёшдан ўтгандан кейин).

Асабийлашган киши ўта ҳаяжонланади, натижада ҳансираш пайдо бўлади. Баъзан қўл, лаблар, қалтирайди, баданда қон айланиш тезлашади, юрак тез-тез ёки тўхтаб-тўхтаб уради ва ҳатто уришдан тўхтаб қолади. Чунки юрак қопчиғи мушакларида томир тортиш пайдо бўлади, юз оқаради баъзан кўкаради ёки қораяди (бу мижозга боғлиқ). Баъзи одамларда қўл-оёқ мушаклари тортилади, таранглашади, ё ҳушдан кетади ва ҳоказо.

Ўзбек халқ табобатида бу хасталикни даволашда бир қанча усуллар борки, улар қўлланилганда ҳар қандай асабийлик чекинади. Энг муҳими, асабга жиловни бериш керак эмас, холос. Аввало, асабийлашмасликка ҳаракат қилиш, унга шарт-шароит туғдириб бермаслик энг маъқулдир. Инсон асабийлашмаслиги учун ўзини жисмонан ва ақлан тайёрлаш лозим. Борди-ю, ҳар ҳолда асабийлашиб қолса, уни қандай қилиб енгишни билиш лозим. Бунинг учун:

1. Ҳар куни 21 дақиқа секин югуриш, ёки 2 соат тўхтамай юриш лозим.
2. Мунтазам жисмоний иш қилиш ёки бадантарбия билан шуғулланиш яхши.
3. Ҳафтада бир марта ҳаммомда узоқ терлаш асабийлашишнинг олдини олади.
4. Ҳар куни ётиш олдидан оёқни иссиқ сувда буғлатиш асабни мустаҳкамлайди.
5. Ўз вақтида ухлаш, ишлаш, дам олиш ва овқатланиш асабни яхшилайди. Кечаси одам яхши ухласа, мия яхши дам олади. Шунинг учун кундузи ухламаслик керак, фақат ёши олтмишга борган одамлар ёз кунлари кундузи бироз «мизғиб» олишлари мумкин.
6. Пайғамбаримиз ҳадисларини, улуғ алломаларимизнинг ҳикматларини ўқиш, билиш асабни даволашда энг муҳим «дори»лардан биридир.
7. Театр, кино, цирк, концертларга бориб туриш фойдалидир.
8. Ёзда уч ой кўлоб сувда кеч соат 5 дан то 8 гача сузиб чўмилиш асабни мустаҳкамлайди.
9. Баданни уқалатиш соғломлашишда жуда катта аҳамиятга эга, айниқса, ҳаммомдаги ҳадми инсонга жуда фойда.

Озиқ-овқатлар, мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари ҳам асабни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади.

Қовурилган, ёғли овқатлар, шўр овқатлар, қази, кабобларни меъёридан ортиқча ва ҳар куни истеъмол қилиш, тўйиб овқатланиш асабийлашишни осонлаштиради. Шунингдек, меъёридан ортиқ ширинлик истеъмол қилиш асабни бузади.

Асабни мустаҳкамлашда ёки унинг босилишида суюқ овқатлар, айниқса, суюқ хамир овқатлар тановул этиш мақсадга мувофиқдир. Гўштни иложи борича қийма ҳолда, сувда ёки буғда пишириб ейиш тавсия қилинади.

Қатиқ зардобини ичиш, ялпиздан, қора андиздан, кийик ўтидан чой ичиш асабнинг олдини олади, унинг босилишига ёрдам беради.

Тут ёки шафтолини кўп истеъмол қилиш одамни қаттиқ ухлатади. Мева, сабзавот сувлари асабга жуда фойда, айниқса асабни тинчлантиришда тарвуз суви яхшидир.

Овқат билан истеъмол қилинадиган турли аччиқ-чучуклар, ош кўклари асабни мустаҳкамлайди. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ёмон, ёқимсиз емак-ичмаклар асабни уйғотади. Айниқса, бу борада спиртли ичимликлар, албатта, асабийлашишга олиб келади. Ислом динида ҳам асабийлашишга қарши кўрсатмалар берилган: асабийлашиш бу жоҳиллик, чап елкадаги шайтоннинг гапига кириш бўлади, деб ҳисобланган. Ислом динининг ақидаларига биноан жаҳл чиққанда «астағфирилло» дейилади. Қаттиқ жаҳл чиққанда «ўтириб олинг», ҳатто «ётиб олинг», дейилган.

Чунки жаҳли чиққан одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Асабийлашиш, жоҳиллик фақат ёмон йўлга бошлайди, жиноятлар содир бўлади, асабийлашган кишининг ҳамиша ҳам обрўйи тушади. Яхшиси ҳар бир киши ўзининг фикрлаш аъзосини бу хасталикдан сақлагани маъқул.

Халқ табиби
Абдулазиз САИДНУРИДДИН ЎҒЛИ

Унутилмас сиймолар

МУХЛИСЛАР ЎРНАТГАН ЁДНОМА

Таниқли ёзувчи, кинорежиссёр Учқун Назаров 1987 йил ёзган хотира мақоласида Ҳамза Умаровни «баҳайбат қоя»га қиёс қилган эди. Бу таърифда сўзнинг танланиши мантиқан тўғри: «тоғ» эмас, «қоя». Табиийки, тоғ бир тизимда, қоя эса алоҳида ажралиб туради. Чиндан ҳам Ҳамза Умаровнинг беқиёс санъати ўзига хос, ижодкорлар таъбири билан айтганда, у «ҳодиса» бўлган санъаткордир.

Ҳамза Умаровнинг ҳаётдан ўтганига 14 йил бўлибди. Бу давр ичида бир авлод туғилиб оқу қорани ажратадиган ёшга ҳам тўлди. Қувонарлиси, улар ҳам ўзбекнинг улуғ санъаткорини қатор роллар орқали танийдилар, ота-оналаридан ижодкор ҳақида меҳр ва таҳсинга тўла сўзларни эшитадилар.

Унинг кино тасмаларида сақланиб қолган ёркин образлари ҳеч кимни бефарқ қолдирган эмас, бир кўрган томошабин ҳануз Ҳамза Умаров ўйнаган ролда бошқа санъаткорни тасаввур этолмайди. Шу боис ўзбек томошабини учун улуғ ижодкорнинг «Ганг қизи»даги Ромеш, «Маҳаллада дув-дув гап»даги Умар, «Ўзгалар бахти» филмидаги Абдураҳим раис ва умуман, кинодаги 60дан ортиқ роллари бирдай ардоқлидир. Ҳамза Умаровнинг ижоди кино санъатида маҳорат ва профессионализм нуқтаи назаридан ижрочилик мактабини ташкил этади. Серқирра ижодкорнинг адабиётимизнинг шоҳ асари бўлмиш «Ўткан кунлар»нинг биринчи экран талқинидаги Ҳомид образи ўзи бир олам. Абдулла Қодирий қаҳрамонининг дунёқараши бутун ҳаракати, юриш-туриши худди Ҳамза Умаровнинг актёрлик маҳорати назарда тутилиб тасвирлангандек. Санъаткор 1970 йил мазкур рол учун Ҳамза номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган эди. «Шум бола» филмида тубанлик намунаси бўлган ўғри образи орқали бу тоифа кишиларнинг қабиҳ руҳияти очиб берилганки, салбий бўлса-да, ролнинг қойилмақом ижроси томошабин эътиборини қозонган. У тасвирга тушган кинофилмларни кўрар эканмиз, кинонинг мўъжизавийлигига яна бир бор иқрор бўлаверамиз. Барча санъатлар ичида кино вафодор санъат ҳамдир дейиш мумкин, чунки у ўз фидойиларини нафақат овози, балки жонли қиёфаси билан ҳам аваллаб-асрайди, уларнинг меҳнатларини қадрлайди, йиллар ўтса-да, миллионлаб томошабинларни асл санъатдан баҳраманд этади, асл санъаткор билан учраштиради. Айниқса, ҳар бир роли билан кино асарларининг ютуғига сабабчи санъаткорларнинг иштироки йиллар оша бу кино тасмаларнинг қийматини янада ошириб бораверади. Бетакрор талант соҳиби театрда ҳам серқирра ижодкор сифатида танилган. Лекин бу маҳсул ижод этган, саҳнада 120 дан ортиқ турли образлар яратган. Лекин афсус, у ёки бу сабабларга кўра нақ афсонага айланган кўпгина спектакллар ҳаммаси ҳам видеотасмага муҳрланмаган. Ҳамза Умаров қатнашган «Ойна» спектакли телевидениеда суратга олиб маҳсулотчи ва режиссёр Учқун Назаров томонидан ишлаб чиқилган «Жўшқин тадқиқотчи» номли мақолада ўзбек ҳиндшунос олими «жонкуяр ва тиниб-тинчимайдиган тарихчи олим, моҳир педагог, ҳинд тарихининг пухта билимдони» деб таърифланган эди. Машҳур ҳинд тарихчиси, Ҳиндистон парламентининг аъзоси Шаши Бхушан «Ҳиндистон ҳамда Тинч ва Ҳинд океани ҳавзаси мамлакатлари тарихи ва истиқболи» асарида Темур Ғиёсовни Ҳиндистон тарихининг зукко билимдони эканлигини қайд қилиб, уни «Ҳиндистон ташқи сиёсатини тадқиқ этиш борасида Тошкентдаги ягона йирик олим» деб баҳолаган эди.

Ҳамза Умаров ва рафиқаси Лола Умарова. 1968 йил

бир бор амин бўламиз.

Буюк санъаткорнинг дубляж санъатидаги чексиз маҳорати тилдан-тилга кўчгани, кўпчилик унинг ролларидан бир-бирига ёд айтиб суйиб тақлид қилганини кўпчилик яхши эслайди. Бугун ҳам унинг ўктам овозини мухлислар дарров севиб фарқлайдилар.

32 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган Ҳамза Умаровнинг қабри устига... мухлислар номидан қабр тоши қўйилган. Лекин бу тошни айнан ким ўрнатганини ҳеч ким билмайди... Муҳими, бирор марта ҳам сурат майдончаси ёки театрга кеч қолишни ўзига эп кўрмаган ҳақиқий халқ артисти Ҳамза Умаровга халқ ўз меҳр-муҳаббатини ифода этган. Шундай экан, Оллоҳ берган кўркам қиёфа, овоз, юксак маҳорат асл ижод соҳиби экранда, хотираларда давомий, мангу умр кечиришига, ҳамиша эҳтиром ила тилга олинишига ҳеч шубҳа йўқ.

Иродахон НАРИМОНОВА

ҲИНД ТАРИХИНИНГ ЎЗБЕК ТАДҚИҚОТЧИСИ

Ўзбеклар юрти жуда қадим замонлардан буён Ҳиндистон халқлари билан яқин алоқада бўлиб келади. Буюк Ипак йўли шимолий Ҳиндистон ўлкалари ва Туркистон орқали шарқу ғарб иқтисоди ва маданиятини асрлар бўйи бир-бирига боғлаган. Икки халқ ўртасида самимий дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзбек ҳиндшуносларининг ҳам хизмати беқиёс. Нафақат Ўзбекистонда, балки Ҳиндистонда ҳам кенг танилган, ўз асарлари билан бу мамлакат илмий жамоатчилиги ва таҳсин ва эътиборига сазовор бўлган ҳиндшунос олим Темур Ғиёсов ана шундай етук тадқиқотчилардан биридир.

Зиёли оила фарзанди Темир Ғиёсовнинг отаси Ғиёс Жалолов узоқ йиллар олий ўқув юртларида фалакиётдан дарс берган, форс, араб тилларини яхши билган, инглиз ва француз тилларидан ҳам хабардор киши эди. У 1965 йилда Берунийнинг «Ҳиндистон» асарини арабчадан ўзбекчага таржима қилган олимдир.

Оиладаги илмий муҳит 1948 йилда ўрта мактабни тугатган Темур Ғиёсовни Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факултетига етаклади. У бу даргоҳда илк талабалик йилларидаёқ Ҳиндистоннинг бой ва ажойиб тарихи билан шуғуллана бошлади.

Темур Ғиёсовни республикамизда ҳиндшуносликка асос солган шарқшунос олимлардан бири десак муболаға қилмаган бўламиз. У 150 га яқин илмий тадқиқотлар муаллифидир. Буларнинг ичида 3 та йирик монография, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва қатор рисолалар бор. Уларнинг барчасида ҳинд диёри тарихи, мустақиллик учун кураш жабҳалари, Ҳиндистон Республикаси ташқи сиёсатининг жаҳон миқёсидаги мавқеи, ўзбек-ҳинд дўстона алоқаларининг турли жиҳатлари ўз аксини топган. 1999 йилда эса профессор Темур Ғиёсов илк бор ўзбек тилида «Ҳиндистоннинг янги тарихи»ни ва 2000 йилда «Ҳиндистоннинг қадимги тарихи»ни нашр эттирди. Айни вақтда унинг айрим асарлари Ҳиндистонда ҳам чоп этилган. Ўз вақтида Ҳиндистонда чиқиб турган «Совьет лэнд» журналида Темур Ғиёсов ҳақида эълон қилинган «Жўшқин тадқиқотчи» номли мақолада ўзбек ҳиндшунос олими «жонкуяр ва тиниб-тинчимайдиган тарихчи олим, моҳир педагог, ҳинд тарихининг пухта билимдони» деб таърифланган эди. Машҳур ҳинд тарихчиси, Ҳиндистон парламентининг аъзоси Шаши Бхушан «Ҳиндистон ҳамда Тинч ва Ҳинд океани ҳавзаси мамлакатлари тарихи ва истиқболи» асарида Темур Ғиёсовни Ҳиндистон тарихининг зукко билимдони эканлигини қайд қилиб, уни «Ҳиндистон ташқи сиёсатини тадқиқ этиш борасида Тошкентдаги ягона йирик олим» деб баҳолаган эди.

Олимнинг мустақиллик йилларида ўзбек-ҳинд илмий-маданий алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги ташаббуслари – айниқса, таҳсинга сазовордир. Унинг Деҳли университети, Жавоҳарлал Неру номли университет ва Алигарх университетида мустақил юртимиз ва Ўзбекистон-Ҳиндистон иқтисодий, илмий ва маданий алоқалари тўғрисида ўқиган махсус маърузалари дўстларимизнинг диёримизга бўлган қизиқиши ва муҳаббатини янада оширди.

Профессор Темур Ғиёсов ўзининг кўп қиррали фаолиятида ёш шарқшунос-ҳиндшунос олимларни тайёрлашга ҳам катта эътибор бериб келмоқда. У ҳозирги кунгача 12 та фан номзодига илмий раҳбар, ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертацияларга оппонентлик қилди. Бугунги кунда унинг шогирдлари – ёш мутахассислар нафақат бизда, балки қатор хорижий мамлакатларда ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг хорижий шарқ мамлакатлари кафедраси мудири улкан олим Темур Ғиёсов қутлуғ етмиш ёшга тўлди. Бу камтарин инсон, теран тафаккур соҳиби жўшқин диёр – Ҳиндистон тарихини ўрганиш, азалдан қадрдон бўлган икки халқнинг дўстона муносабатларини янада яқинлаштириш, уларни дунё халқларига танитишда жўшқин фаолият олиб бормоқда.

Бахриддин МАННОНОВ,
Маъмуржон НИШОНОВ

Охирги сўз:
Пулжон бўлса, гулжон тайёр...

ДАЙЖЕСТ

ТЕЛЕЭКРАН ТИРҚИШИДАН

Хўп ғаройиб нарсаларни ўйлаб топишди-да Ғарбдаги телеэкранлар! Томоша қилишади-да, ақллари шошиб, бармоқларини тишлаб ўтиришаверади. «Французлар нималарга гирифтор бўлишмоқда-я ўзи?» – деб қулоқни қоматга келтириб қичқиради турли газеталар. «Ҳа, нима бўлибди? Томоша қилсак қилибмиз-да», – деб таскин беришади бошқалари. Хуллас, май ойи охирлаганда бошланган бу эҳтиросли муҳокамалар, баҳслар ҳамон давом этмоқда ва борган сайин авжга чиқмоқда. Бу кўрсатувни бошлаган М-6 телеканалини илгари кўпчилик танимас, эътибор бермасди. Мана энди, бир ойдан бери у ҳамманинг оғзида. Пайшанба кунлари миллион-миллион одамлар унинг жозибасига лақ тушиб ўтиришади. Ўтган асрда Францияни Дрейфус иши қандай тўлғаган бўлса, янги асрда «LOFT STORY» деган кўрсатув французларни шундай тўлқинлантимоқда.

Воқеанинг тарихи бундай. 38 минг ёш йигит-қизлар тоза мириқиб мусобақа, кимўзар ўйнашди. Оғир «жанглар»да улардан 11 таси ғолиб чиқишди.

Гап нимада экан ўзи денг?

Кимўзарда сараланиб чиққан ўша 11 йигит-қиз билан тузилган шартномага кўра улар етмиш (70) кун кенг, яшаш учун ўта қулай – чиройли боғи, ҳовузлари, сауна ва шунга ўхшаш бошқа кўнгилочар жойлари бўлган масканда ҳеч қаёққа чиқмай, бошқа ҳеч ким билан кўришмай бирга яшашлари керак. Ҳаммаёқ лаззат денг. Бориб тургани роҳат-фароғат. Нима ейман десалар, олдиларида муҳайё. Нима ичаман десалар, ҳозиру нозир. Бу ёқда музика. Бу ёқда видеолар. Фақат телевизор йўқ. Улар 70 кун бирга яшаб, ораларидан ўйинга чидаш беролмаганларни «қисиб» чиқаверадилар. Охирида бир қиз, бир йигит энг идеал жуфтгина қолади. Ғолиб чиққан шу йигит-қиз баҳоси 400 минг доллар турадиган ҳашаматли ҳовли-жойга эга бўлади. Тўғри, бу ҳайратомуз қасру саройни қўлга киритиш учун улар бу ерда яна олти ой бирга яшашлари керак.

У ёқларда... Ғаройиб одатлар

Энди гап шунда эканки, катта-катта совринлар ўртага қўйилган ўйинлар Ғарбда оз эмас. Лекин буниси бошқачароқ: 11 ўйинга тушган йигит-қизнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қилиғи, нафас олишини 26 та камера ва 55 та микрофон 24 соат давомида кузатиб боради. Иштирокчилар қаерда бўлмасинлар – тўшакдами, ҳаммомдами, ёлғиз кирадиган жойдами, суратга олиб экранда кўрсатаверади. Шоҳона бу саройдан ҳар оқшом кўрсатувлар берилади. Пайшанба кунлари эса кўрсатувлар бир неча соат давом этади: томоша ишқибозлари уларнинг гаплашаётганлари, ўйнаётганлари, овқатланаётганлари, ошиқ-машуқ бўлаётганлари – ҳаммасини кўриб ўтирадилар.

Вой, Ғарбга нима бўлди? Бунинг маъноси нима экан? – деб бири-биридан сўраётганларнинг сон-саноғи йўқ. Бировларнинг интим, хос ҳаётини кузатиш шунчалар қизиқ эканми, а? Бу кўрсатувни 10 миллион киши томоша қилади. Ҳазил эмас-а, шунча ақлли, эсли-ҳушли юксак маданиятли одамлар. 11 та ёш йигит-қизнинг енгил-елпи хатти-ҳаракатлари, алмойи-алжойи гап-сўзлари, ҳавойи, беўхшов қилиқлари, туссиз ҳазил-ҳузулларидан бу жамоат қандай тажриба оляптию, қандай ажиб хулосалар чиқаряпти, дерсиз?

Яқинда 11 кишидан бири ўзи марокашлик француз йигити Азиз «ўйин»дан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Буни қарангки, Азиз бутун Францияга машҳур бўлиб кетди. Азиздан дастхат олишга ишқивозлар узундан узоқ навбатга туриб кутишдан эринишмайди. Ҳозир Азизнинг шуҳрати Майкл Жексондан қолишмайди. Лекин аслида Азиз қойил қиладиган нима иш қилди? – деган саволга ҳеч ким тузук-қуруқ жавоб беролмайди.

«Ўйин» иштирокчиларидан яна бири Давид деган йигитча эса беш кунга базўр чидаш берди. Давид актёр бўлиш орзусида кўп эшикларга бош уриб, ҳеч вақога эришмагандан сўнг, машҳур бўлиш иштиёқида шу «ўйин»га ўзини урган эди. Мана энди «ўйин» қатнашчиси сифатида у катта киносериалга бош ролни ижро этишга чақирилди. Унинг кетидан қувган папараццилларнинг сон-саноғи йўқ. Гўзал Никол Кидманлар ҳам бир чеккада қолиб кетди.

«Либерасйон» газетаси ўз ўқувчилари билан бу фавқулодда «ўйин»ни муҳокама қиларкан, «киноя қилиб ўтиришга ҳожат бормикин? Яхшиси, нимага дуч келганимиз ва бундан қандай хулосалар чиқаришимиз кераклиги устида бош қотирайлик», деб ёзди.

Албатта, бой маънавий ҳаётга интилиб яшаётган, илм-билимни идеал деб билган кишилар учун бу ялангоч «ўйинлар» ёввойилик, сурбетлик, уятсизлик бўлиб кўринади ва улар бундай воқеалардан «бети қурсин» – деб юз ўгирадилар.

Лекин телеэкран тиқишидан «ўйин»ларни томоша қилаётган миллионлар уларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларида, ўз орзу-истаклари, майлларини яққол кўргандай бўлмоқдалар. Жон куйдирмай, оғир терга ботмай, қўлни совуқ сувга урмай бой-бадавлат бўлиб кетиш, кўнглига нима келса, шуни қийналмай қилиш имкониятлари очилаётганидан ўзларини бахтиёр сезмоқдалар.

«Loft story» – «Болахона ҳикоялари»да улар худди ўзларини жуда катта ойнада кўргандай бўлмоқдалар. Ўзларини 11 сара бахтиёр каби, улар ўрнида ҳис қилмоқдалар. Оддий одамнинг бошига ҳам шундай бахт қуши қўниши мумкинлигига ишонмоқдалар.

Лекин бунинг тагида томири чуқур ўрнашган ижтимоий иллат йўқмикан?

Ахир инсон боласи орият, нафсониятни тамом унутиб, шуҳрат ва бойлик кетидан қувишга тушса, бунинг оқибати инсон учун нима билан тугайди? Орият, инсон шаъни, номусига сариқ чақа ҳам бермайди деган хулоса келиб чиқмайдими бу ҳавойи «ўйинлар»дан?

Одамлар қизиқиб кўряптими, демак кўрсатувни кўрсатавериш керак, деган қоидага риоя этиб, айрим телеканаллар ўзларини улкан бозорнинг узвий бир бўлаги деб қарамоқда ва фойда кетидан югурмоқда.

Оқил одамлар: «Наҳот бу телбаликнинг охири йўқ?» – деб ўз-ўзларига савол беришмоқда.

Ҳозирча бу саволлар роса 12 ҳафта давом этадиган «болохона томошалари» шов-шувлари ичига кўмилиб, йўқолиб кетмоқда.

Пул кетидан қувиш одамни нималарга солмайди-я?

«МТ» шарҳловчиси

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Рустам ЖУМАЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ (масъул котиб), Холли НОРБОЙ

Газета 0013б-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г –2652.
Сотувда эркин нархда.
Ҳажми икки босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚУШОҚОВ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 20.30

Манзилимиз: Тошкент-83, Навоий кўчаси – 30.
Телефон 144-81-28.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи – Шерали НИШОНОВ.